



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ НАРКОТИКЛАРНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЁШЛАР
ОРАСИДА ПСИХОФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ
НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент 2024

Таълим муассасаларида ёшлар орасида психофаол моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш ишларини ташкил этиш механизмлари. Услубий қўлланма – Тошкент: 2024. – 32 б.

Муаллифлар: Ё.О. Эрназарова - фан доктори (DSc), доцент;

Б.Т.Нишанов - фалсафа доктори (PhD).

Тақризчилар:

Ш.Б. Ғуломов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази бўлим бошлиғи

З.С.Абдухаликов – Ўзбекистон Республикаси ИИБ Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

Ушбу услубий қўлланмада ёшлар ўртасида психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ вазият, талабалар томонидан психофаол моддалар суиистеъмолининг сабаб ва омиллари, белги ва аломатлари, психофаол моддаларнинг нотиббий истеъмолини олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар алгоритми ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида наркотик моддаларни ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида баён этилган.

Қўлланма республикадаги олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар бўйича мутахассислар учун мўлжалланган.

© Ё.О. Эрназарова, Б.Т.Нишанов
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1. Ўзбекистон ёшлари ўртасида психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ вазият таҳлили	6
2. Психофаол моддаларнинг турлари	8
3. Замонавий шароитларда психофаол моддаларнинг савдоси схемаси	9
4. Талабалар томонидан психофаол моддалар суистеъмолининг сабаб ва омиллари	13
5. Психофаол моддаларни истеъмол қилувчи талабаларнинг белги ва аломатлари ..	15
6. Психофаол моддаларни сотувчи/ташувчи (<i>закладчик</i>) шахсларнинг белги ва аломатлари	19
7. Талабалар орасида психофаол моддалар истеъмол қилиниши ҳолатларини ўқитувчи ва тьюторлар томонидан яширишнинг салбий оқибатлари	20
8. Талабаларни психофаол моддалар истеъмол қилишининг олдини олиш бўйича вазифалар	21
9. Талабалар орасида психофаол моддаларнинг суистеъмолини олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар	23
10. Психофаол моддаларнинг ноғиббий истеъмолини олдини олишда тьюторнинг ҳаракатлар алгоритми	24
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида наркотик моддаларни ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари	26
12. Ҳозирги кунда талабалар томонидан кўп суистеъмол қилинаётган кучли таъсир қилувчи дори воситалари	28
Хулоса	30
ГЛОССАРИЙ	31

КИРИШ

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари дунё ҳамжамиятида фан-техника тараққиёти ҳамда халқаро иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муносабатларнинг ривожланиши учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қаторда, турли хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ана шундай таҳдидлардан бири – аҳоли, айниқса, ёшлар орасида аддиктив (addiction – қарамлик, тобелик) ҳулқ-атворнинг кенг тарқалаётганлигидир.

Аддиктив ҳулқ-атвор – инсоннинг ҳаётий реалликдан узоқлашиш истагида муайян моддани қабул қилиш ёки доимий эътиборни муайян нарсага ёки фаолиятга қаратиш билан руҳий ҳолатини ўзгартиришдир. Бу жараён кучли ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлиб, шахсни шу қадар қамраб оладики, унинг ҳаётини назорат қила бошлайди. Натижада инсон ўз қарамлиги олдида ожиз бўлиб қолади ва иродаси кучсизланади.

Мазкур деструктив ҳулқ-атворнинг шаклланиши кўп ҳолларда мураккаб ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ бўлади: моддий қийинчилик, умидсизлик, идеалларнинг қулаши, оиладаги ва ишдаги низолар, яқинларини йўқотиш, ҳаётнинг кескин ўзгариши ва бошқалар.

Аддиктив ҳулқ-атворнинг барча турларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- *кимёвий қарамлик* – алкоголизм, гиёҳвандлик, озиқ-овқатга ружу қўйиш (ортиқча овқатланиш, анорексия, булимия, орторексия);

- *ҳатти-ҳаракатга қарамлик* – Интернетга, компьютерга, мобил телефонларга боғлиқлик, ишга ружу қўйиш (тродоголизм), ониомания (шопоголизм), патологик севги ва бошқалар.

Кимёвий қарамликнинг бугунги кунда энг тез тарқалиб бораётган тури – бу психофаол моддаларга ружу қўйишдир. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда дунёда 300 миллионга яқин одам гиёҳвандлик иллатига йўлиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Гиёҳвандлик оқибатида ҳар йили 600 мингдан ортиқ одам ҳаётдан эрта кўз

юмади¹. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи психофаол моддалар истеъмолчилари ҳиссасига тўғри келади.

Халқлар ва миллатлар келажагига раҳна солувчи ушбу иллат юртимиз ёшларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўп қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Дунёқараши эндигина шаклланиб бораётган, бор куч-ғайратини фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган ёшларни алдов йўли билан ушбу боши берк кўчага киритувчи шахсларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, психофаол моддаларни “савдо”си Интернет тармоқларига кўчиши, унинг янада кенг қамровли “товар”га айланишига олиб келди.

Барчани ўйлантираётган психофаол моддалар нима деган савол туғилиши табиий ҳол. Психофаол моддалар – марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик кимёвий моддалар. Буларга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ҳамда кучли таъсир қилувчи дори воситалари киради.

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан психофаол моддалар сотувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан оғуфурушлар ноқонуний фаолияти шаклини мунтазам ўзгартириб, янги-янги ёшларни ўз тузоғига илинтирмоқда.

Шу боис, ёшлар билан ишловчи барча давлат ва нодавлат ташкилотлари биргаликда самарали ҳамкорлик қилиб, психофаол моддаларга ружу қўйиш иллатини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириши лозим.

¹ <https://news.un.org/ru/story/2024/06/1453651>

1. Ўзбекистон ёшлари ўртасида психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ вазият таҳлили

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Уларни олий таълимга қамраб олиш мақсадида Олий таълим муассасаларининг (*кейинги ўринларда – ОТМ*) сони 211 тага етказилди. Ҳозирда ушбу ОТМларда 1,5 миллионга яқин ёшлар тахсил олиб келмоқда. Бу кўрсаткич ўқувчиларни олий таълимдаги қамровини 38%га етганлигини кўрсатади.

Талабаларнинг таълим олишлари учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Жумладан, замонавий ўқув мажмуалари, таълим кредитлари ва бошқа кўплаб имкониятлар мавжуд. Шунга қарамасдан ёшларимиз ўртасида турли психологик инқирозлар сабабли психофаол моддаларга ружу қўйиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга, наркотиклар билан боғлиқ жиноятлар сони тобора ортиб, 2019 йилда 5026 та, 2020 йилда 6032 та, 2021 йилда 7142 та, 2022 йилда 8681 та, 2023 йилда 10011 тани ташкил этган¹.

Статистик маълумотларга кўра, психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар сони 74 фоизга, шу жумладан, талабалар сони 21 фоизга, мактаб ўқувчилари сони 6 баробарга ошган. Жумладан, 2023 йилда наркожиноятлар учун қўлга олинган 30 ёшгача бўлган шахсларнинг 97 нафарини ОТМлар талабалари ташкил қилган.

Шу билан бирга, кейинги йилларда психотроп ва кучли таъсир этувчи дори воситаларининг Ўзбекистонга ноқонуний кириб келиши ҳолатлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази маълумоти

кўпаймоқда. Ҳуқуқ-тартибот, хусусан божхона органлари томонидан 2022 йилда 313 минг дона кучли таъсир этувчи ва психотроп моддалар аниқланган бўлса, 2023 йилда ушбу рақам 663 минг донага етган ва бир йилда 2 баробарга ортган. Бу эса, вазиятни қанчалар жиддийлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда психофаол моддалар савдоси асосан Интернет тармоқлари орқали амалга оширилмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёшларнинг анъанавий гиёҳвандлик воситаларидан кўра, янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи дориларнинг суиистеъмолига ўтишининг асосий сабаблари қуйидагилардир:



Актуальные проблемы оценки безопасности психоактивных веществ

➤ янги турдаги психофаол моддаларни топишнинг нисбатан осонлиги (жумладан, Интернет орқали);



➤ кучли таъсир қилувчи дори воситаларини дорихоналардан топишнинг имкони мавжудлиги;



➤ Интернет тармоқлари орқали психофаол моддаларнинг кенг реклама қилинаётганлиги;



➤ кучли таъсир қилувчи дорилар нархининг арзонлиги;



➤ кучли таъсир қилувчи дори воситаларини сотиш учун нисбатан енгил жазо белгиланганлиги;



➤ кучли таъсир қилувчи дори воситалари истеъмолининг оқибатлари тўғрисидаги профилактик тадбирлар сифати талаб даражасида эмаслиги;



➤ ота-оналарнинг ушбу муаммодан беҳабарлиги ва фарзандларига нисбатан безътиборлиги.

2. Психофаол моддаларнинг турлари

Фан-техника тараққий этиши билан биргаликда психофаол моддаларнинг турлари ва уларни ноқонуний савдоси услублари тобора такомиллашиб бормоқда. Анъанавий гиёҳвандлик воситалари ўрнини турли янги синтетик ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари эгалламоқда.

Психофаол моддаларни уч турга бўлиш мумкин:

- анъанавий гиёҳвандлик воситалари;
- синтетик гиёҳвандлик воситалари;
- “дорихона наркотиклари” (*шифокор рецети билан сотиладиган, таркибида гиёҳванд воситалари, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари*).



Анъанавий гиёҳвандлик воситалари сифатида, келиб чиқиши табиий, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган ўсимликлар ва улардан олинган гиёҳвандлик воситаларини (*марихуана, опий, кўкнор, гашиш*) келтиришимиз мумкин.

Маълумот учун: 2023 йилда аниқланган гиёҳвандлик воситаларининг энг катта қисмини (83 фоизи) кўкнор ташиқил қилган.



Синтетик гиёҳвандлик воситалари кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш, инсон руҳиятига фаол таъсир этадиган гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари саналади (*героин – ярим синтетик, α-ПВП, мефедрон, синтетик каннабиноидлар (спайс), метадон, экстази (МДМА), ЛСД, амфетамин ва бошқалар*).

Маълумот учун: синтетик моддаларнинг айримлари тиббиёт мақсадларида ишлаб чиқилган. Масалан, α-ПВП марказий асаб тизими стимулятори сифатида яратилган, ammo кўп ўтмасдан, гиёҳвандлик мақсадларида фойдаланила бошланган. Синтетик гиёҳвандлик воситалари ванна учун тузлар ниқобида қонуний муомалага киритилган. Шу боисдан, уларни “тузлар” деб ҳам аташади. Қолаверса, синтетик гиёҳвандлик

воситалари орасида дизайнерлик наркотиклари ҳам мавжуд. Уларнинг кимёвий формуласи қонунни четлаб ўтиш учун доимо ўзгартириб борилади.



Дорихона наркотиклари инсон руҳиятига фаол таъсир этадиган назорат остидаги дори воситалари ҳисобланади. Уларни таркибида гиёҳвандлик воситаси мавжуд, психотроп ва кучли таъсир қилувчи каби турларга ажратиш мумкин.

Маълумот учун: улардан тиббиётда турли мақсадларда фойдаланилади. Масалан, оғриқ қолдириш учун, руҳий, онкологик ва бошқа касалликларни даволаш учун.

Ҳозирги кунда ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари сифатида назорат остидаги дори воситаларини нотиббий мақсадларда суистеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Охирги беш йилликнинг таҳлилига кўра ушбу йўналишда қўзғатилган жинойт ишлари материаллари натижаларига кўра “дорихона наркотиклари” саналадиган психотроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари жами 3 040 030 дона олиб қўйилган. Уларнинг 96,7 фоизи кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобига тўғри келган.

3. Замонавий шароитларда психофаол моддаларнинг савдоси схемаси

Ахборот технологиялари ривожланиши билан биргаликда жинойтларни амалга ошириш усул ва воситалари ҳам замонга мослашиб, янги босқичга ўтиб бормоқда. Сўнгги вақтларда психофаол моддаларни Интернет тармоқлари орқали реклама қилиш ҳамда “савдоси”ни йўлга қўйиш авж олмоқда. “Инстаграм”, “Телеграмм” ва бошқа мессенжерларда очилган каналларнинг ҳар бирида ўртача икки мингдан ўн мингтагача обуначилар мавжуд бўлиб, улар узлуксиз равишда психофаол моддаларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланиб келмоқда.

Мазкур канал ва гуруҳларда анъанавий ва синтетик гиёҳвандлик воситалари, кучли таъсир қилувчи дорилар, уларнинг нархлари, тўлов усуллари ва реквизитлари ҳамда сотиш механизмлари тўғрисида барча маълумотлар келтириб ўтилган. Бунда истеъмолчи “товар” (закладка) учун

олдиндан тўловни амалга ошириши талаб қилинади. Тўловлар асосан Bitcoin, Litecoin, Ethereum криптовалюталарида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, психофаол моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар томонидан фикр-мулоҳазалар учун ҳам алоҳида каналлар ташкил қилинган. Бундай каналларда истеъмолчиларнинг товар сифати тўғрисидаги фикрлари жойлаштириб борилади ва бошқа масалалар муҳокама этилади.

Айрим йирик сотувчилар ўзларининг бренд номларини шакллантириб, ижтимоий тармоқларда канал ва гуруҳларни очиб, реклама тизимини ҳам кенг йўлга қўйган (*қонунчиликда психофаол моддлар рекламасига жавобгарлик белгиланган*).

Оғуфурушлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг қўлига тушмаслик учун бир қанча “махфийлик” чораларини кучайтиришга ҳаракат қилиб келишмоқда. Иерархиянинг энг юқорисида “ташкилотчи” туради. У гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини топиш ва республика ҳудудига олиб кириш ҳамда сотувчиларга тақсимлаш билан шуғулланади.


Сўнгги вақтларда мамлакатимиз ҳудудида ноқонуний нарколабораториялар фаолияти ҳам кузатилмоқда.

Ташкилотчи психофаол моддаларни маълум қисмларга ажратиб, операторларга (*мижозлар билан ишловчи шахс*) ёки психофаол моддаларни тақсимловчи шахсларга (*складмен*) тақсимлайди. Улар одатда психофаол моддани 0,25 граммдан 5 граммгача миқдорда бўлиб қадоқлайди. Қадоқлаш учун одатда скотч, изолента, пакетчалардан фойдаланади. Бу ўринда оператор асосий боғловчи вазифасини бажаради. Оператор Интернет орқали психофаол моддани ташувчи шахсларни (*закладчик*) ва уларни истеъмол қилувчи шахсларни топади ва фаолиятини назорат қилиб боради.

Психофаол моддаларни ташувчи шахс (*закладчик*) қадоқланган моддаларни ташландиқ иншоотларга, аҳоли кам юрадиган ва беркитиш учун қулай бўлган жойларга, аҳоли гавжум жойларда эса, ўриндиқларнинг остки қисмига яшириб кетади. Психофаол моддаларни яширган жойини (*закладка*)

сурати ва геолокациясини олиб, истеъмолчилар билан ишловчи операторга юборди. Оператор ушбу маълумотларни “мижозлар”га юборди. “Мижоз” эса, орадан вақт ўтгандан сўнг ушбу психофаол моддаларни яширилган жойдан олиб кетади.

Психофаол моддалар савдоси схемаси



Изоҳ: ПФМ - психофаол моддалар

Психофаол моддаларнинг ноқонуний савдосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар назарига тушувчи асосий қатлам мазкур моддаларни

ташувчилар (закладчиклар) ва мижозлар ҳисобланади. Охириги вақтларда катта пул ваъда қилиш орқали талабаларни “закладчик” сифатида ёллаш ҳолатлари ортиб бормоқда. Шу сабабдан талабалар томонидан психофаол моддаларни ноқонуний ташиш ва сотиш ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар сони ортган.

Оператор турли гуруҳларда “енгил ишлар бор”, “уйда ўтириб даромад топиш”, “ойига 30 миллионлик даромад”, “талабалар учун иш”, “ўқишдан ажралмаган ҳолда иш” каби рекламалар тарқатиб, иш излаётган, пулга муҳтож талабаларни топади ва “закладчик” сифатида жиноий фаолиятга жалб қилади. Ишга жойлаш баҳонасида ташувчининг шахсини тасдиқловчи маълумотларни олади. Бу билан ташувчига ишончни мустаҳкамлаш ва олинган “товар”ни ўзлаштириб юборишини олди олинади. Шунингдек, жиноий гуруҳда “жазолаш гуруҳи” ҳам мавжуд бўлиб, агар ташувчи олинган “товар”ларни ўзлаштириб юборган тақдирда жисмоний босим ўтказиш учун юборилади.

Шунингдек, айрим суиистеъмол қилувчилардан ҳам ташувчи сифатида фойдаланилади. Улар ойлик ўрнига “товар”дан ўз улушларини олади (*масалан, 10 та тарқатмадан биттасини ўзига олади*).

Наркосавдо жиноий уюшмаси ташкилотчини кўрмасдан фаолиятини амалга оширади. Кўп ҳолларда ташувчилар (*закладчик*) ташкилотчининг исмини ҳам билмайди. Ҳамма алоқа Интернет тармоқларидаги аноним профиллар орқали амалга оширилиб, иш ҳақи ҳеч қандай учрашувларсиз, электрон ҳамёнлар орқали (*кўпинча криптовалютада*) тўланади.

4. Талабалар томонидан психофаол моддалар суистеъмолининг сабаб ва омиллари

Инсон психофаол моддаларни суистеъмол қилишнинг оғир оқибатларга олиб келишини билиб/билмай туриб бу йўлга киради. “Хўш, нима сабабдан бундай қилмоқда?” деган савол ҳаммани бирдек ўйлантиради. Мутахассислар билан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ҳозирги кунда ёшларнинг бундай моддалар таъсирига тушиб қолишининг асосий сабаблари қуйидагилар:



- ҳаётий мотивациянинг йўқолиши;



- эътибор етишмаслиги, ёлғизлик ҳисси, оиладаги носоғлом муҳит;



- онг чегараларини кенгайтиришга уриниш;



- салбий муҳитнинг таъсири;



- ўзига ишонмаслик, иродасизлик;



- стресс, депрессия, фурустрация;



- Интернетдан меъёридан ортиқча фойдаланиш.

Институтнинг биринчи курсида ўқишни бошлаган талаба – абитуриентлик босқичидан ўтгач, ўз олдига қўйган дастлабки мақсадига эришган бўлиб, унинг ҳаёлида институтни тамомлаб, ўз ишининг мутахассиси бўлиш вазифаси туради. Ушбу ўтиш даврида талабанинг руҳиятида турли психологик қийинчиликлар пайдо бўлади. Психологик стресс, депрессия, фрустрация ҳолатлари кўп учрайди. Оқибатда талаба ўзига бўлган ишончини йўқолиши ёки иродасининг сустлиги оқибатида кимнингдир таъсирида “енгиллик” истаб, психофаол моддалар истеъмол қила бошлаши мумкин.

Бошқа бир ҳолатда янги талаба институтни бошқача тасаввур қилган, оилавий ёки молиявий муаммолари сабабали дарсдан сўнг ишлашга мажбур бўлади. Кам ухлаши сабабли талаба дарсларни ўзлаштиришда орқада қола бошлайди. У ўзидаги чарчоқни чиқариш ва ўзини тетик тутиш, барча нарсаларни эслаб қолиш мақсадида психофаол моддаларни истеъмол қилишни бошлайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам гўёки талаба вазиятдан чиқиб кетгандек бўлади. Кейинроқ эса, ундан-да оғир ҳолатга тушиб қолганлигини тушунади.

Асосий омиллардан яна бири – салбий муҳитнинг таъсиридир. Тадқиқотлар натижасига кўра, бир гиёҳванд камида 10-15 инсонни ушбу балога грифдор қилади¹. Кучли таъсир қилувчи дори воситаларини сууистеъмол қилувчи шахслар эса, бундан ҳам кўпроқ одамларни бу йўлга олиб киради. Талабалар биргаликда дам олиш жараёнларида ҳаётдан роҳатланишнинг усулларида бири сифатида психофаол моддаларни сууистеъмол қилишни ҳам йўлга қўяди. Баъзи психофаол моддаларни икки-уч мартаба истеъмол қилишнинг ўзи унга қарамликка олиб келади. Шунингдек, кучли таъсир қилувчи дори воситалари қандай касалликка қарши фойдаланиши керак бўлса, шу касалнинг синдромини беради. Тананинг нормал фаолиятини издан чиқариб, гормонал бузилишларга олиб

¹ https://hmel-ros.edu.yar.ru/rabota_shkoli/profilaktika_pav/pamyatka_uchitelyam.html

келади. Оқибатда турли касалликларнинг белгиларини юзага чиқаришни бошлайди (*тутқаноқ тутиши, кўзга шарпалар кўриниши ва бошқалар*).

5. Психофаол моддаларни истеъмол қилувчи талабаларнинг белги ва аломатлари

Психофаол моддаларни истеъмол қилувчи шахслар қанчалик ўзларини ошкор бўлиб қолишларидан ҳимояланишга уринмасин, ушбу моддалар таъсирида қилган ҳатти-ҳаракатлар уларнинг ҳолатини ошкор қилади.

Ўтказилган кузатувлар таҳлили психофаол моддаларни суиистемол қилаётган ёшларда қуйидаги белгилар пайдо бўлишини кўрсатмоқда:

А) ўзини тутишдаги бирламчи ўзгаришлар:



➤ психофаол моддаларнинг номини айтганда, юзида хурсандчиликни пайдо бўлиши;



➤ психофаол моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар тўғрисидаги ижобий ҳикоялар;




➤ психофаол моддаларни суиистеъмол қилган инсондаги роҳатланиш ҳолатини тўлиқ ёритиб бера олиш;



➤ психофаол моддаларнинг бирини бошқаси билан таққослай олиш, “афзалликлари” ҳақидаги хабардорликни намойиш қилиш;



➤ кайфиятни кўтариш учун маълум дориларни истеъмол қилиш “замон талаби”, “замонавийлик” белгиси ҳақидаги баёнотлар;



➤ атрофидаги дўстларининг ўзгариши, жаргонга хос сўзлашув услуби пайдо бўлиши.

Б) ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар:



➤ махфийликни ортиб кетиши (*қаерда ва кимлар билан бўлганлиги, бориш манзилларини айтишни истамаслиги, тез-тез ёлгон ишлатиши*);



➤ оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи дориларга қизиқишнинг ортиши;



➤ ухлаш цикли ўзгариб қолиши (*кундузи ухлайдиган бўлиб қолиши*);



➤ иштаҳанинг йўқолиши;



➤ доимий чанқоқлик ҳолати;




➤ пулга бўлган эҳтиёжни ортиши (*дўстларидан кўп қарз сўрайдиган бўлиб қолиши*).

В) хулқ-атворидаги белгилар:



➤ бирданига пайдо бўлувчи кучли активлик, юқори эмоционал кайфият;



➤ олдинлари кузатилмаган хатти-ҳаракатларни пайдо бўлиши (*ўта хушмуомалалик, ҳазилкашлик ва ҳ.к.*);



➤ бирданига оч қолиб, ўрнатилган вақтни кутмасдан овқатланиш ҳолати, овқатни ҳар доимгидан кўп истеъмол қилиши ёки тескараси – бир кун давомида овқат емаслик;



➤ яхши ўқиётган талаба бирданига жавоблари мантиқсиз, бераётган саволларининг мазмуни тушунарсиз бўлиши;



➤ бирданига хавотирлик ҳисси пайдо бўлиб, тушкунликка тушиб қолиши;



➤ кўзига ҳар хил нарсалар кўринишни бошланиши, ўзини ўлдириш ҳақидаги гаплар кўпайиб қолиши (*васваса*);



➤ эгоистик хатти-ҳаракатлар кучайиб, одоб-ахлоқ қоидаларига очикдан-очик риоя қилмаслиги;



➤ қизиқишларининг тўсатдан ўзгариши;



➤ бирданига кучли чарчоқнинг пайдо бўлиши ёки қувватнинг ортиши;



➤ васвасалар (*кўпинча параноид ёки персекютор васваса*), психомотор бузилишлар (*қўзғалиш ёки ступор*), ҳис-туйғулар кучли кўрқувдан экстазгача ўзгариши билан тавсифланади;



➤ тўсатдан жиззаки бўлиш (*хумор тутиши вақтида*).

Г) буюмларидаги белгилари:



➤ турли рангдаги кукунлар ва кристаллар, тамаки ва ўсимлик аралашмалари борлиги;



➤ катта суммадаги тўлов чеклари;



➤ кўл тарозилари;



➤ телефонида турли нотаниш чатлар, ботлар, чекка жойларнинг локацияси, яъни одам кам юрадиган йўлаклар, дарахтзорлар, болалар майдончалари суратларининг пайдо бўлиши;



➤ ёнидан куйиш аломати бўлган пипетка, ўралган пул купюраси, ялтироқ қоғоз, изоленга, зип-пакетлар сингари ноодатий нарсалар кўп чиқиши;



➤ телефон ёки компьютерда “ТОР” браузеридан фойдаланганлик ҳолатлари кузатилиши (*ушбу браузер Даркнет тизимидан (ингл. даркнет – “яширин тармоқ”) фойдаланиш имконини беради*);



➤ бир ва ундан ортиқ телефон аппаратидан (сим-картасиз) фойдаланиши.

Д) психофаол моддаларни суистеъмол қилишнинг клиник белгилари:



➤ тутқанок тутиши;



➤ insultга олиб келиши;



➤ жигарни ишдан чиқиши;



➤ буруннинг тез-тез қонаши ва оқиши;



➤ кўп терлаш, терда ўта нотаниш ҳид ҳамда бутун танада ёриқлар пайдо бўлиши;



➤ сочлар синувчан бўлиб қолиши;



➤ кўз қорачиғининг сезиларли даражада кенгайиши.

Психофаол моддаларни суиистеъмол қилган шахсда унинг ташқи белгилари камида 48 соат сақланиб туради. Бу истеъмол қилган дорининг турига, миқдорига ва таркибига боғлиқ. Бироқ, инсондаги психик бузилишлар баъзи ҳолатларда бир умрга сақланиб қолади.

6. Психофаол моддаларни сотувчи/ташувчи (*закладчик*) шахсларнинг белги ва аломатлари

Узоқ йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай жиноятни ошкор қилувчи белгилари мавжуд. “Закладчик”лар томонидан ўз жиноий фаолиятининг усул ва тактикаларини ўзгартиришларига қарамасдан, уларни ошкор қилувчи куйидаги белгилар мавжуд:



➤ ёнида бесабаб катта миқдорда пуллар пайдо бўлиб қолиши;



➤ бошқа шахслар номига очилган банк карталарининг пайдо бўлиши;



➤ юриш-туришда бирдан ўзгаришлар (*қимматбаҳо буюмлар, янги русумли телефон, қимматбаҳо кийимлар*);



➤ телефонда расмларга координаталарни тушириш имконини берувчи махсус иловалар (“ViPole”, “Jabber”, “Wechat”, “Сигнал”) ўрнатилганлиги;



➤ шахсий буюмлари ичида кўп ҳолларда изолента, скотч ва кичик пакетлар бўлиши;



➤ телефонида турли чекка жойларнинг локациялари бўлиши;



➤ ҳар қандай аниқлаштирувчи саволларга кўрқувни пайдо бўлиши (*кеча қаерда эдинг, бунча пулни қаердан олдинг каби*);



➤ ижарага автомашина олиш ҳолатларининг мунтазам кузатилиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларнинг барчаси дастлабки белгилар бўлиб, уларни қайта текшириш лозим. Шу билан бирга, 70-80 фоиз ҳолатларда психофаол моддаларни ташувчиларнинг ўзи ҳам уни суиистеъмол қилади. Шу боис, суиистеъмол қилувчи шахслар билан ташқи белгилари деярли ўхшаш бўлади.

7. Талабалар орасида психофаол моддалар истеъмол қилиниши ҳолатларини ўқитувчи ва тьюторлар томонидан яширишнинг салбий оқибатлари

Олий таълим муассалари талабалари томонидан 2023 йилда содир этилган наркотиноятлар таҳлил қилинганда, кўп ҳолларда уларнинг психофаол моддаларни суиистеъмол қилаётганлиги тўғрисида ота-оналари, тьютор ва ўқитувчилари хабардор бўлганлиги аниқланган. Бирок, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга маълум қилинмаган ва наркологиюларга муурожаат этилилмаган. Натижада талабалар оғир жиноят устида қўлга олинган.

Баъзи тьюторлар талабаларнинг психофаол моддалар истеъмол қилаётганлигини билса ҳам, ушбу ҳолатлар уларнинг иш самарадорлигини баҳолаш тизимига (KPI) салбий таъсир кўрсатмаслиги учун яширишга ҳаракат қилган.

Талабанинг аддиктив ҳуқ-атвори бўйича ўз вақтида ота-оналар билан маъмурият ҳамкорликда ишлаганда, оғир жиноят содир этилишининг олди олинган бўлар эди.

8. Талабаларни психофаол моддалар истеъмол қилишининг олдини олиш бўйича вазифалар

Олий таълим муассасалари маъмуриятининг вазифлари:

- талабалар ўртасида аддиктив хулқ-атворнинг олдини олишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- талабалар орасида психофаол моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш чора-тадбирларини кўради;
- таълим муассасасида психофаол моддаларнинг тарқалишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;
- талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилади;
- ёшларнинг психофаол моддаларни истеъмол қилишига сабаб бўлувчи ижтимоий омиллар таъсирига бардошлиликни шакллантириш бўйича оилалар билан иш олиб боради;
- наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг вазифалари:

- наркологик касалликларга чалинган шахсларни эрта аниқлаш, уларга маслаҳат бериш, тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш, профилактика ва диспансер кузатувиغا олиш ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширади;
- наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ижтимоий мослашувига ва қайта ижтимоийлашувига доир тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;
- наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторининг вазифалари:

- фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг психофаол моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;

- соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг хулосалари асосида наркологик касалликларга чалинган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

- психофаол моддаларни суиистеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни тиббий текширувдан ўтишга олиб боради;

- наркологик касалликларга чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, шунингдек, суднинг қарори уни асосида наркология муассасасига олиб боришга кўмаклашади;

- наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасарида мажбурий тарзда даволаниб чиққан шахслар устидан кузатувни ташкил этади ҳамда уларни ишга жойлаштирилишига ва ижтимоий мослашувига кўмаклашади;

- наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Маҳалла тизими вакилларининг вазифалари:

- маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли орасида психофаол моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни наркология муассасаларига мурожаат қилишлари учун тавсия беради, мотивация қилади;

- оиласи ва ота-оналар билан узвий ҳамкорликда ишлайди;

- наркологик касалликларга чалинган, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атворга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олинишини амалга оширишда профилактика инспекторларига кўмаклашади.

Ёшлар етакчисининг вазифалари:

- психофаол моддаларни суистеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни наркология муассасаларига мурожаат қилишлари учун тавсия беради, шунингдек, улар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича мотивация беради;
- наркологик касалликларга чалинган, шу жумладан ғайриижтимоий ҳуқ-атворга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олинишини амалга оширишда профилактика инспекторларига кўмаклашади.

9. Талабалар орасида психофаол моддаларнинг суистеъмолини олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар

Талабанинг асосий вақти таълим муассасасида ўтишини инobatга олиб, ОТМ маъмурияти имкониятлари орқали психофаол моддаларни нотиббий истеъмолининг олдини олиш бўйича аниқ, мақсадли чоралар кўриш зарур:

1. Талабалар орасида психофаол моддаларни истеъмол қилиш ҳолатларини ўрганиш *(уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш)*.

2. Талабалар билан психологик семинар-тренинглар ўтказишни тизимли йўлга қўйиш *(психофаол моддалар истеъмолининг оқибатлари, инсонда мотивларни шакллантириш усуллари, стрессга бардошлиликни ошириш, тайм менежмент каби мавзуларда)*.

3. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни кучайтириш *(спорт мусобақаларини ташкиллаш, “Ҳар қуни ўн минг қадам” лойиҳасини ўтказиш ва голибларни рағбатлантириш)*.

4. Психофаол моддаларни суистеъмол қилишга мойиллиги бор талабаларни ажратиб олиб, уларга гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида профилактик тадбирларни ўтказиш *(бунда психофаол моддалар истеъмолчилари ишонадиган оқловчи мотивларни обрўсизлантириш. Мисол тариқасида, гўёки, психофаол моддалар хотирани кучайтиришга ёрдам*

беради. Бироқ, шахсга шундай туюлади холос. Аслида кейинчалик хотирасидан айиради).

5. Талабаларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб бориш ва уларга амалий кўмак кўрсатишни ташкиллаштириш *(ҳомий ташилотларнинг имкониятлари орқали ишга жойлаштиришларига ёрдам бериш).*

6. Нарколог, психотерапевт, психолог ва ижтимоий иш бўйича мутахассислардан малакали, бепул ёрдамни олиш бўйича кўрсатмалар бериш.

10. Психофаол моддаларнинг нотиббий истеъмолини олдини олишда тьюторнинг ҳаракатлар алгоритми

Олий таълим муассасасида психофаол моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишда асосий рол ўйновчи шахс тьютор ҳисобланади. Тьютор талабалар билан бевосита ҳар куни мулоқотда бўлади ва уларнинг ижтимоий ҳолатидан хабардор бўлади. Шундай экан, тьютор касбий билимлар билан бигаликда психофаол моддалар суиистеъмолини зарарлари ва аниқлаш усуллари, белгилари ҳамда аниқланганда қандай ҳаракат қилиш механизмлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина психофаол моддалар суиистеъмолини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш имкониятлари ортади.

Тьютор ёки бошқа ўқитувчилар томонидан талабада психофаол моддалар суиистеъмоли билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, деканатга ва ректор маслаҳатчисига ҳамда профилактика нозирига хабар бериши шарт *(тьюторнинг ўзи хабар берган ҳолатлар бўйича унинг иш самарадорлигини баҳолаш тизимида (KPI) салбий таъсир кўрсатмаслиги керак).*

Талабанинг психофаол моддалар суиистеъмоли ва/ёки савдосига алоқадорлиги аниқланган тақдирда, тьюторнинг ҳаракатлар алгоритми

1	Билим	Психофаол моддалар суиистеъмоли ва/ёки савдосига алоқадор шахснинг белгилари тўғрисида маълумотга эга бўлиш
2	Аниқлаш	Юқорида кўрсатилган белгилар асосида шубҳали шахсларни аниқлаш ва қайта текшириш (<i>талабага олдингидек самимий муносабатда бўлишда давом этиш</i>)
3	Хабардор қилиш	Талабанинг психофаол моддалар суиистеъмоли ва/ёки савдосига алоқадорлиги тўғрисида бирламчи маълумотларни ОТМ раҳбарияти, ректор маслаҳатчиси ва профилактика нозирига хабар бериш, шунингдек ота-онасига боланинг шубҳали ҳаракатлари тўғрисида маълум-қилиш
4	Кузатиш	Шубҳа остидаги талабани доимий ўзини тутиши, юриши, дарс жараёнидаги иштироки ва хулқ-атворини кузатиш, уй/ётоқхона шароитларини ўрганиш
5	Сабабларини аниқлаш	Талабанинг психофаол моддалар суиистеъмол қилиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш
6	Профилактик тадбирларни ўтказиш	Психофаол моддаларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш
7	Ташкилий ишлар	Психофаол моддаларни суиистеъмол қилаётганлиги шубҳа остидаги талабанинг гуруҳи ва яқинлари билан психолог, нарколог-шифокорлар иштирокида профилактик суҳбатлар ўтказиш
8	Маълумот бериш	Талабанинг психофаол моддаларга қарамликдан олиб чиқиш марказлари тўғрисида маълумотлар бериш (<i>телефон рақамларини бериш</i>)

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, талабани психологик тўғри йўналтирилмаса, у нафақат психофаол моддаларнинг суиистеъмолига, балки наркожиноятларга ҳам қўл уриши мумкин.

Агар талабанинг психофаол моддаларни суиистеъмол қилиши тасдиқланса, қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш керак:

1. Талабани аудиториясидан ташқарига олиб чиқиш.
2. Таълим муассасаси раҳбариятига ва профилактика нозирига дарҳол хабар бериш.
3. Зудлик билан тиббий мутахассисни чақириш.
4. Агар талабада психофаол моддалар билан захарланиш ҳолати аниқланган бўлса, воқеа ҳақида унинг ота-онаси ёки васийларини хабардор қилиш.
5. Талаба психофаол моддалар таъсирида безорилик қилганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тавсия этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида наркотик моддаларни ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга қўлланиладиган жазо чоралари

246-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг контрабандаси билан шуғулланиш **5 йилдан 20 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

251¹-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш (*тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*) **7 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

251²-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш **3 йилгача** озодликдан маҳрум

қилиш билан жазоланади. Шуниндек, агар ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни топширса, жазодан озод қилиниши мумкин.

270-модда. Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, канабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга ҳилоф равишда экиш ёки етиштириш **5 йилдан 10 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

273-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истемол қилишга жалб этиш **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

274-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш ёки бундай моддаларни истемол қилишга жалб этиш **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

276-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар **3 йилдан 5 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

12. Ҳозирги кунда талабалар томонидан кўп суистеъмол қилинаётган кучли таъсир қилувчи дори воситалари



Прегабалин



Тропикамид



Циклопентолат



Габапентин



Залеплон

Изоҳ: юқорида кўрсатилган дори воситалари турли кўринишда бўлиши мумкин. Дорига эҳтиёжи бўлмаган боланинг нима сабабдан дори истеъмол қилаёганлигини аниқлаш керак.

Хулоса

Психофаол моддаларнинг ноқонуний муомаласи йўналишида ўтказилган тадқиқотлар таҳлиliga кўра, ҳозирги кунда уларнинг суиистеъмоли органлигининг асосий сабабларидан бири жамият томонидан наркотик моддаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари суст олиб борилганлигидир.

Бугунги кунда анъанавий наркотик моддаларининг оғир оқибатлари ва уларга қарши курашиш керак деган тушунча халқимизда шаклланиб улгурди.

Бироқ янги турдаги синтетик психофаол моддаларнинг салбий оқибатлари бироз эътибордан четда қолганлиги унинг ёшлар орасида кенг авж олишига олиб келмоқда.

Республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ушбу йўналишда бир қанча самарали ишлар амалга оширилиб, уларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчилар фаолиятига ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Бироқ, осон пул топиш ёки бошқа сабаблар билан ушбу иллатнинг қурбонига айланиб қолаётган ёшларнинг сони ҳам ортиб бормоқда.

Шу боис ёшлар билан ишловчи барча ташкилотлар бирлашиб, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиши ва олдини олиш чораларини кўриши шарт.

ГЛОССАРИЙ

➤ **Психофаол модда (ПФМ)** - табиий ёки синтетик модда биринчи қабул қилишда истеъмол қилувчининг исталган ёқимли таъсирларига, мунтазам равишда қабул қилишда эса, руҳий ва жисмоний тобеликка олиб келиши мумкин.

➤ **Психостимулятор дори воситалари** (психотониклар, ҳаракатлантирувчи турдаги стимуляторлар, психомотор стимуляторлар) – бу организмнинг ақлий ва жисмоний ҳолати кўзғалувчанлигини оширувчи психотроп дорилар гуруҳи ҳисобланади. Улар фикрлаш жараёнларини фаоллаштиради, **кайфиятни кўтаради, жисмоний ва ақлий иш қобилиятини, чидамлилиқни, ташқи таъсирга жавоб реакцияси тезлигини оширади, чарчоқ ҳиссини, ухлаш ва дам олишга бўлган эҳтиёжни вақтинча камайтиради (эфедрин, амфетамин, метамфетамин).** Қарамликка олиб келади.

➤ **Галлюцинация** - бу реал объектсиз содир бўладиган сиймолар ва тасаввурлар билан кечадиган идрокнинг бузилиши.

➤ **Васваса** - бу беморнинг онгини қамраб оладиган, воқелиқни бузадиган ва ташқи томондан тузатиш бўлмайдиган патологик ғоялар, мулоҳазалар ва хулосалар тўплами.

➤ **Психомотор бузилишлар** – ступор ёки кўзғалиш сифатида намоён бўлади. Ступор билан бемор бир ҳолатда қотиб қолади, ҳаракатсиз бўлиб қолади, саволларга жавоб беришдан тўхтайдди, бир нуқтага қарайдди, овқатланишдан бош тортадди. Психомотор кўзғалиш билан бемор ҳамма вақт ҳаракатда бўлади, тинмай гапирадди, аҳмоқона қилиқлар қиладди, тажовузкор ва таъсирчан бўлади (кутилмаган, мотивсиз ҳаракатлар қиладди).